

## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон божхона хизмати  
органлари хузуридаги жамоатчилик  
кенгаши Раиси



Д.Кудриддинов

Ўзбекистон божхона хизмати органлари  
хузуридаги жамоатчилик кенгаши мажлисининг

2-сонли Баённомаси

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Жамоатчилик кенгаши раиси Д.Кудриддинов

**Қатнашдилар:** Жамоатчилик кенгаши  
аъзолари И.Ачилов, С.Алимбаев,  
С.Арипов, Б.Джумаев, Б.Турсунов.

**Таклиф қилинганлар:** Жамоатчилик  
ва оммавий ахборот воситалари билан  
алоқалар бўлими бошлиғи в.б.  
Ҳ.Тангриев, Мутахассислар Ф.Разиков,  
Ш.Низамов

### КУНТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари хузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан Тошкент вилояти божхона бошқармасининг “Ғишткўприк”, “Навой”, “Нажимов” ва “Ойбек” чегара божхона постлари фаолиятини таҳлилий ўрганиш якунлари ҳақида.

2. Давлат божхона органлари хузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан Тошкент вилояти божхона бошқармасининг “Ғишткўприк”, “Навой”, “Нажимов” ва “Ойбек” чегара божхона постлари фаолиятида

**аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Кенгашнинг тавсиялари ҳақида.**

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари И.Ачилов ахбороти тингланди.**

**Ахборот берувчи қуйидагиларга тўхталди.**

Жамоатчилик кенгашининг Низоми ва иш режасига асосан тузилган , ДБҚ Раиси билан келишилган саволномага мувофиқ “Ғишткўприк”, “Навоий”, “Нажимов” ва “Ойбек” чегара божхона постлари фаолияти таҳлилий ўрганиб чиқилди ва улар фаолиятда бир қанча камчиликлар ва муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Таҳлиллар чегара божхона постлари фаолиятини режалаштириш, шахсий таркиб ўртасида хизмат интизоми бузилишларига йўл қўймаслик борасида, шунингдек, пост ҳудуди ва хизмат биноларини озода ва тартибли тутишда, божхона кўригини замонавий техник восилар ёрдамида амалга оширишда бир қатор камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Таҳлилий ўрганиш бўйича маълумотнома ва ўрганиш пайтида суратга олинган нуқсонлар бўйича тайёрланган фото альбом ва ҳужжатарни ДБҚ раҳбариятига тақдим этишни таклиф қиламан деди маърузачи.

Мажлис иштирокчиларидан Б.Турсунов ушбу масала юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, таҳлилий ўрганиш бўйича тайёрланган Маълумотномани маъқуладилар.

### **М А Ж Л И С Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Жамоатчилик кенгаши Раиси ўринбосари И.Ачиловнинг Кенгашининг Низоми ва иш режасига асосан тузилган, ДБҚ Раиси билан келишилган саволномага мувофиқ “Ғишткўприк”, “Навоий”, “Нажимов” ва “Ойбек” чегара божхона постлари фаолияти таҳлилий ўрганиб чиқилганлиги ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Юқорида кўрсатилган постларни таҳлилий ўрганиш бўйича тайёрланган Маълумотнома маъқуллансин ва ДБҚ раҳбариятига тақдим этилсин.

3. Жамоатчилик кенгашининг мажлис қарори ДБҚ Раиси, Давлат божхона қўмитаси Марказий аппаратининг таркибий тузилмалари, ҳудудий божхона бошқармалари ва тузилмаларига юборилсин.

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзоси Б.Турсунов ахбороти тингланди.**

**Ахборот берувчи қуйидагиларга тўхталди.**

Жамоатчилик кенгаши томонидан “Ғишткўприк”, “Навоий”, “Нажимов” ва “Ойбек” чегара божхона постлари фаолияти таҳлилий ўрганиб чиқилганда бир қанча жиддий камчиликлар ва муаммолар аниқланди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича ДБК раҳбариятига тақдим этиладиган Кенгашнинг Тавсиялари ишлаб чиқилди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган постларла аниқланган камчиликларни бартараф этиш, постлар фаолиятини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кескин ошириш мақсадида қуйидаги Тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ахборот берувчи мажлис иштирокчиларини жамоатчилик кенгашининг Тавсиялари билан таништирди.

Мажлис иштирокчилари ушбу масала юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб жамоатчилик кенгашининг Тавсияларини маъқуладилар.

### **М А Ж Л И С Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Жамоатчилик кенгаши томонидан “Ғишткўприк”, “Навоий”, “Нажимов” ва “Ойбек” чегара божхона постларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, постлар фаолиятини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган Тавсиялар маъқуллансин.

2. Жамоатчилик кенгаши Тавсиялари ДБК раҳбариятига тақдим этилсин.

3. Жамоатчилик кенгаши аъзоси (Б.Турсунов)га ушбу қарор ижросини таъминлаш юклатилсин.

**Жамоатчилик Кенгаши котиби в.в.б.**



**Ж.Караматов**